Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 181 (4897).

13 СЕНТЯБРЬ ПАЙШАНБА 1973 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

„ЗАНГОРИ КЕМА“ЛАР ИШГА ТУШДИ

Абдуқаҳҳор Раҳмонов «ўлат от» жиловини пахтазор томон бурди. Оқ чойшабдан либос кийган далалар кўзни қамаштирарди. Машина ғилдираклари қатор ораларида дафъатан олдинга юра бошлаганда Абдуқаҳҳор шпинделларнинг «оқ олтин» қамрашини анча жойгача кузатиб борди. Дастлабки граммлар бункерга туша бошлаганда механизаторнинг кўнгли алланечук бўлиб кетди.Унинг қувончи ҳақиқатан ҳам чексиз эди. Чунки, бу йилги ҳосилни машинада теришни шу меҳнатсевар механизатор бошлаб берди. Ҳозир пахта тераётган далалар унга жуда таниш. Шу ерларни ўзи ҳайдаган, чигит эккан, ғўза қатор ораларида жавлон уриб, мўл ҳосил етиштиришда тер тўккан.

Шу кунн Пискент районининг Калинин номли колхозда терим машиналари далага чиқарилган эди. Кичик карталарда пахта териб юрган колхозчилар машиналарнинг ҳайқиришини эшитиб, хурсанд бўлиб кетдилар. Бугун яъни машиналар теримга тушган куни йиллик планнинг уч процентн миқдорида пахта терилди. Эрта-индин бу суръат яна кучайтирилади. Хирмонларга барака киради.

Калинин номли колхоз Пискент районидаги йирик хўжаликлардан. Бу колхоз аъзолари пахта тайёрлаш йиллик планларини ва зиммаларидаги соцналистик мажбуриятларини ҳар йили ошириб бажарадилар. Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида улар 5500 тонна пахта сотишмоқчи. Далалардаги ҳосил бу ваъданинг устидан албатта чиқишини кўрсатиб турибди.

Суратда: механик-ҳайдовчи Абдуқаҳҳор Раҳмонов (ўнгда) ва пахта териш пайти.

А. Тураев фотолари.





МАТБУОТ — ОММАГА!

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР!.. Бу сўзлар ҳар бир совет кишисининг ҳаётига шу қадар сингиб кетганки, гоҳо бизлар бу ибораларни оддий сўзлардай талаффуз этамиз. Газета ва журналлар!.. Аслида улар хушхабарчи кабутарлар сингари ҳар куни тонгда ҳар бир хонадонга фаровон турмушимизнинг файзу-латофатини, шиддаткор меҳнатимизнинг ғайратшижоатини, улкан ғалабаларимизнинг нашъу-намосини, чўғ режаларимизнинг мазмун ва маъносини олиб келади. Газета ва журналлар. Улар ҳақиқат жарчиси сифатида коммунистик қурилиш жабҳасидаги қўлга киритаётган қувончли зафарларимизни бутун жаҳонга таратади. Кечаги воқеалар, бугунги орзулар, эртаги ишлар — барча-барчаси матбуотимиз саҳифаларида ўз аксини топади. Шу боисдан ҳам газета-журналларни ҳар бир уйдан дунё томон очилган даричага қиёс қиладилар.

Шу кунларда совет кишилари ажойиб бунёдкорлик ишлари билан банддирлар, КПСС XXIV съезднинг тарихий қарорларини амалга ошириш, тўққизинчи беш йиллик ҳал қилувчи йилнинг план ва режаларини муддатидан илгари адо этиш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида қабул қилинган социалистик мажбуриятларни барвақт бажариш учун улар ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар, бутун маҳоратларини, ақлу-заковатларини сафарбар этмоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежнев «Партия халқнинг ижодий куч-ғайратини ривожлантириш, унинг сиёсий ва меҳнат активлигини ривожлантириш ишнинг муваффақиятини таъминлайдиган ҳал қилувчи шартлардан бири деб ҳамиша ҳисоблаб келди ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблайди», — деган эди. Бу фикрларни назарда тутганимизда ҳам совет матбуотининг сафарбарлик роли беқиёс эканлиги дарҳол билинади.

Бугунги ишчининг, дала меҳнаткашининг, ижодкор зиёлининг билим даражаси, ақлий савияси кечаги ишчининг, деҳқоннинг, зиёлининг билим даражасидан, ақлий савиясидан анча фарқ қилади. «Ақлли» дастгоҳни бошқараётган ишчи, пахтани машинада тераётган деҳқон, илмга чанқоқ зиёкор эндиликда фан-техника янгиликларидан, завод ва фабрикалардаги қимматли ташаббуслардан, социалистик мусобақанинг намунали формаларидан, ҳоналдорликни ошириш усулларидан, коммунистик тарбия соҳасидаги қудратли омиллардан ҳар куни, ҳар соатда хабардор бўлиб туришни истайдилар. Ўлар ҳаминша-ҳамрўз сиёсий, иқтисодий ва маданий билимларн доирасини тинимсиз кенгайтириб ва чуқурлаштириб боришни ўйлайдилар. Бу холис миссияни адо этишда ҳам кундалик газета ва журналларнинг келтираётган маънавий фойдаси бебаҳодир. Шунинг учун ҳам ленинча матбуотимизни миллион-миллион меҳнаткашларнинг ишончли минбари, партиямизнинг қудратли ғоявий қуроли деб атаймиз.

Меҳнаткашларимиз ҳеч бир кунини газета-журналларсиз тасаввур қилолмайди. Дунёда энг ўқимишли, энг саводхон кишилар ҳам совет кишилари эканлигини эслаеак қалбларимиз фахр ва ғурурга тўлади. Биргина бизнинг областимизда йилдан-йилга обуначилар сонининг кескин кўпайиб бораётганлиги ҳам фикримизни исботлайди. Ҳозир шаҳар ва қишлоқларимизнинг аҳолиси фақат обуна йўли билан бир йилда 1.330 минг нусхада газета ва журналлар олмоқда. Бу рақам 1972 йилдагидан 56 минг та зиёддир. Областимизда ҳар минг киши бошига ҳисоблаганимизда 980 нусха газета ва журналнинг тўғри келиши диққатга сазовор бир ҳолдир.

Шу кунларда келгуси йил газета ва журналлари учун обуна бўлиш қизғин давом этмоқда. Бу кампания жуда муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, уни ҳамма жойда юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш талаб этилади. Обуна ишларини кўнгилдагидек ташкил этиш ва ўтказишда партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, корхона, хўжалик раҳбарлари, алоқа ходимлари, «Союзпечать» коллективлари, жамоатчи матбуот тарқатувчилар катта роль ўйнайдилар. Улар кунт билан ҳар бир обуначининг фикр ва истакларини яхши аниқлашлари, хоҳлаган газета-журналларга ўз вақтида ёзилишларини таъминлашлари лозим. Обуна ўтказилаётган жойларда, алоқа бўлимларида, қабул пунктларида, киоскаларда ҳозирдан бошлабоқ амалий ишга киришиш, аҳоли кўп яшайдиган жойларда, шаҳар ҳамда район марказларида, янги йил обунасига бағишлаб турли выставкалар, кўргазмалар, плакат ва шиорлар ташкил этиш, суҳбат ва тушунтиришлар ўтказиш — обуна ишларнинг шу кунлардаги бевосита вазифаларидир.

Матбуот тарқатувчи киши фақат обуначигина эмас. У идеология фронтимизнинг толмас ходими, уста тарғиботчиси ҳамдир. КПСС Марказий Комитети ҳисобот доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съезднинг резолюциясида: «Партия ташкилотлари оммавий ахборот ва пропаганда воситаларидан моҳирлик билан фойдаланишлари, уларнинг иши таъсирчан ва оператив бўлишини таъминлашлари...» лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Зотан матбуот тарқатувчилар марказий ва маҳаллий газета-журналларга обуна қилишни тўла таъминлашлари талаб этилади. Чунки мазкур матбуот органларида партиямиз директивалари ва кўрсатмалари, пленум ва кенгашларининг қарорлари, назарий ва илмий мақолалар ҳар томонлама ўз ифодасини топган бўлади.

Совет матбуоти омма орасида тобора кўпроқ обрў-эътибор орттириб, чуқур илдиз отиб бормоқда. «Пропаганда, оммавий агитация фронтидаги ходимларимизнинг бурчи — ... миллионларча кишиларга социалистик жамият ҳақидаги, мамлакатимизда коммунизм қурилиши тўғрисидаги ҳақиқатни етказишдан иборатдир», — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездида қилган ҳисобот докладида. Бу муҳим вазифаларни адо этишда матбуотимиз партиямизнинг содиқ ёрдамчиси вазифасини сидқидилдан ўтаб келмоқда.

Газета ва журналларга обуна бўлишни ҳамма жойда намунали ўтказайлик. Коммунизм қурилишининг бош қаҳрамони — совет халқининг яратувчилик меҳнатидан партиямизнинг илҳомбахш, сафарбар этувчи сўзларидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ажойиб бунёдкорлик ишларидан ҳар бир совет хонадони ўз вақтида бохабар бўлсин!..

Матбуот — оммага!





БОЛГАРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ, БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

ЎРТОҚ ТОДОР ЖИВКОВГА

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

ЎРТОҚ СТАНКО ТОДОРОВГА

София шаҳри

Азиз ўртоқ Живков!

Азиз ўртоқ Тодоров!

Социалистик Болгария давлатининг олий мукофоти — Болгария Халқ Республикасининг Қаҳрамони унвони менга берилганлиги тўғрисидаги хабарни, шунингдек шу муносабат билан Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг ва Министрлар Советининг менга йўллаган гоят қизғин қардошлик табригини эшитиб ниҳоят даражада тўлқинландим. Сиз, азиз ўртоқлар ва қардошлардан бу фахрий мукофот учун менинг самимий ташаккуримни қабул этишингизни сўрайман. Мен бу мукофотни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг коммунизм қуришга қаратилган йўлига берилган юксак баҳо ва мадад деб, партиямиз ва Совет давлати улуғ Ленин васиятларини адо этиб, КПСС XXIV съезди маъқуллаган Тинчлик программасини амалга ошира бориб изчиллик билан ўтказиб келаётган тинчликсевар социалистик ташқи сиёсатга берилган юксак баҳо ва мадад деб биламан. Мен бу фахрий мукофотни ҳар бир совет кишисининг қалбига шу қадар яқин бўлган, оталаримиз, боболаримиз ва бобокалонларимиздан бизга мерос бўлиб ўтган ва социализм қўёши остида мисли сиз янги куч билан гуллаб яшнаган бўзилмас Совет-Болгар дўстлигини тўташтирувчи яна бир халқа деб биламан.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан сизларни, ўртоқлар, ишонтириб айтаманки, Ленин партияси ва зафар топган социализмнинг биринчи мамлакати ўзининг социалистик қардошлари ва иттифоқчилари билан ёнма-ён туриб, бутун дунёдаги тараққийпарвар ва тинчликсевар кучларнинг бирдамлигига ва мададига таяниб, социализм ва коммунизм иши учун, барча халқларнинг эркинлиги, мустақиллиги ва тараққиёти учун, халқаро муносабатларда тинчлик, ақл-идрок ва адолатнинг тантана қилиши учун курашни бутун куч-ғайратни сарфлаб изчиллик билан ва оғишмай давом эттираверадилар. Сиз, азиз дўстлар ва сафдошларга ўз томонимдан шуни айтмоқчиманки, мен бутун кучимни мана шу улуғ ишнинг тантанаси учун курашга сарфлайман.

Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси халқларининг бузилмас дўстлиги кундан-кунга кучаяверсин ва тобора кўпроқ равнақ топаверсин!

Совет ва болгар коммунистларининг жанговар иттифоқи ҳар доим пўлатдек маҳкам бўлаверсин ва қуёш нури каби ҳаётбахш бўлаверсин!

Қардош болгар халқига Георгий Димитровнинг шонли партияси етакчилигида социалистик қурилишда чин кўнгилдан янги катта муваффақиятлар тилайман.

Сиз, азиз ўртоқларни жон дилимдан қучоқлаб коммунистик салом билан

Л. БРЕЖНЕВ.

1973 йил 11 сентябрь.

Л. И. БРЕЖНЕВ АФҒОНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШЛИҒИНИНГ МАХСУС ВАКИЛИ МУҲАММАД НАИМНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Афғонистон Республикаси давлат бошлиғи ва Бош министри Муҳаммад Довуднинг махсус вакили Муҳаммад Наимни 11 сентябрда Қримда қабул қилди.

Суҳбатда Афғонистон томонидан Афғонистон Республикаси Ташқи ишлар министрининг ўринбосари С. В. Абдулло, Совет томонидан СССР Ташқи ишлар министрлиги Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлимининг мудири В. И. Минин қатнашдилар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 12 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — Халқ хўжалиги планига нисбатан бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери.

Чиноз	0,50	2,41
Пискент	0,36	1,89
Янгийўл	0,46	1,85
Бекобод	0,39	1,59
Бўка	0,20	0,87
Ўрта Чирчиқ	0,24	0,64
Юқори Чирчиқ	0,08	0,20
Оққўрғон	—	—
Область бўйича	0,24	1,00

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 12 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери.

Бекобод	10,4	100,0
Оққўрғон	22,2	99,7
Пискент	11,7	93,9
Юқори Чирчиқ	7,3	90,0
Бўка	10,2	89,8
Ўрта Чирчиқ	12,5	72,8
Чиноз	16,2	60,4
Янгийўл	10,0	60,0
Область бўйича	13,4	88,1

МАШИНАЛАРНИ УНУМЛИ ИШЛАТАМИЗ

Ҳаммамиз орзиқиб кутган йиғим-терим даврига ҳам етиб келдик. Бу давр деҳқонларнинг ёз бўйи қай даражада ишлаганини кўрсатиб беради. Ҳосил тарозига тушади.

Мен механизатор сифатида колхозимиз пахтакорлари бу йил уялмайдилар, ўз ниятларига етадилар деб қаттиқ ишонаман. Чунки бу йил ҳосилнинг чўғи яхши.

Колхозимиз аъзолари 960 гектар ерда 2190 ўринга 2800 тонна пахта етиштириш мажбуриятини олганлар. Бу планга нисбатан пахта ҳосили гектар бошига 10 центнер оширилади деган сўз. Колхозчиларимиз ўз ваъдаларини бажариш учун бу йил ҳар қачонгидан кўра уюшқоқлик билан ишладилар.

Етиштирилган мўл ҳосил механизаторларнинг кўзларини қувонтирмоқда, ҳавасларига ҳавас қўшмоқда.

Эргаш Қўзиев бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили ҳар гектар ердан 29 центнердан ҳосил олган эдилар. Бу йил улар ҳосилдорликни 33 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Кундуз Жумабоева, Тоймирза Бекмирзаев ва бошқа бригада аъзолари ҳосилдорликни ўтган йилгидан 4—5 центнер ошириш учун бел боғлаб баракали хирмон кўтаришмоқчи. Ҳосил мўл, энди ҳамма гап шу ҳосилни тез, соз ва нобуд қилмай териб олишда қолган. Шунинг учун биз механик ҳайдовчилар пахтакорларимизнинг ишларини енгил қилиш ниятида бу йил ҳар бир терим машинасининг унумли ишлаш учун ҳаракат қилаяпмиз. Чунки колхоз правленнеси етиштирилган жами ҳосилнинг 70 процентини машина билан теришга қарор қилган.

Илғор механизаторлар машина билан кўпроқ пахта териш учун ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар. Масалан, Сиддиқ Умаров ўз агрегати билан мавсумда 150 тонна, Тўрақул Марқабоев, 140 тонна пахта термоқчи. Шахсан мен 170 тонна пахта теришга аҳд қилганман. Умуман, колхозимиз механизаторлари ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда 120 тоннадан пахта теришга қарор қилдилар.

Колхозимизда механик-ҳайдовчиларга, теримчиларга қандай ҳақ тўлаш тадбирлари аниқ белгилаб қўйилган. Механик-ҳайдовчи биринчи терим даврида ҳар бир тонна терган пахтаси учун 5 сўм 82 тийин, иккинчи теримда 10 сўм ҳақ олади.

Колхозимизда кўп минг килограммчи серғайрат теримчилар кўп. 275 кишн қўлда пахта теради. Улар орасида Ўғил Тўлаева, Қаноат Ботирова, Ривоят Аскарова, Хуринисо Аҳамова, Гули Алиева сингари теримчилар борки, ҳар бирлари мавсумда 6—7 тоннадан пахта теришга бел боғлашган. Колхоз правленнеси теримчиларни рағбатлантириш тадбирларини ҳам белгилаб қўйган. Шуғл кўра-ҳар ўн кунда 2 тонна пахта терган теримчига 50 сўм мукофот берилади.

Ҳосилни етиштиришда сувчиларнинг роли жуда катта. Лекин кўп вақт терим бошлангандан кейин сувчилар тилга олинмай қўяди. Колхоз правленнеси олинган ҳосилга қараб сувчиларга қандай мукофот беришни белгилаб қўйди. Масалан, ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олган бригаданинг сувчисига 100 сўм мукофот берилади.

Хуллас, пахта йиғим-теримига етиб келдик. Колхозчилар қўл билан теришга ажратилган пайкалларда ишни бошлаб юборднлар. Машина билан терилдиган пайкаллар дефолиация қилиб бўлянди. Бугун эрта биз механизаторлар ҳам пўдат отлар жиловини пайкалларга бурамиз.

Т. ҚУШМИРЗАЕВ,
Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз механизатори.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА МАККАЖЎХОРИ ЎРИШ ВА ДОН ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 12 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — ўрилгани (гектар ҳисобида), иккинчи стун — дон тайёрлаш (процент ҳисобида).

Янгийўл	63,7	36,8
Бўка	55,0	41,2
Чиноз	52,0	71,3
Бекобод	50,3	50,3
Оққўрғон	49,8	33,6
Калинин	48,1	48,7
Пискент	46,0	40,0
Бўстонлиқ	45,0	9,9
Ўрта Чирчиқ	41,5	48,9
Юқори Чирчиқ	34,4	47,0
Оҳангарон	15,4	11,8
Оржоникидзе	14,9	—
Область бўйича	42,5	35,5

ҲАР ГЕКТАРДАН 170 ЦЕНТНЕРДАН КАНОП

ТЎЙТЕПА. (Тошкент области), 10 сентябрь. Ўрта Чирчиқ районидаги Оҳунбобоев номли колхоз меҳнатчилари давлатга каноп пояси сотиш юзасидан ўз мажбуриятларини Тошкент областида биринчи бўлиб бажардилар. Қайта ишлайдиган заводга 34 минг центнер ёки планда белгиланганидан олти минг центнер кўп техника хомашёси етказиб берилди. Гектар бошига 170 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Қ. Йўлдошев, А. Мирахмедов ва А. Абдураимов бошлиқ илғор бригадалар ҳар гектар ердан 180—200 центнердан ҳосил олдилар. Лубкорлар далаларни тозалаб бўлиб, келгуси йил ҳосили учун тайёрламоқдалар.

(ЎзТАГ).

40 ЦЕНТНЕРЧИ БРИГАДА

Замон Абжалов бошлиқ бригада Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг пешқадам бригадаларидан ҳисобланади. Бригада аъзолари бу йил юксак марралар сари интилиб, 40 центнерлик хирмон учун курашмоқдалар.

Ҳозир бригада далаларида ана шу юксак мажбуриятга эришга ҳосил етиштирилди. Эндиги вазифа ҳосилни ўз муддатида сира нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишдан иборат.

Йиғим-терим даврининг ҳар бир фурсатини ғанимат билган бригада аъзолари йиғим-терим мавсумига пухта тайёргарлик билан киришдилар. Дефолиациядан чиқарилган далаларда пахта қийғос очила бошлади.

Бригаданинг механизаторлари Бўрон Пўлатов ва Ҳалил Абжаловлар мавсумда икки қатторли терим машинасида 150 тоннадан пахта теришни мўлжаллаб туришибди.

Бригадада яқинда 28 гектар ердаги маккажўхори ўриб-йиғиб олинди. Ҳар гектар ердан 70 центнердан маккажўхори дони ва 350 центнердан кўк поя олинди.

У. ҲАМИДОВ.



МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИ

ҲАЛ қилувчи йилда Тошкент даги «Юлдуз» фирмасининг чеварлари зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилиб беш йиллик шахсий топшириқларини мудда тидан илгари адо этиш учун курашмоқдалар. Суратда: айни кунларда 1974—1975 йиллар ҳисобига ишлаётган илғор тикувчилардан (чапдан-ўнгга) М. Абдурахмонова, А. Полякова, Ш. Исроилова, Н. Ражабова ва З. Кривцоваларни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

ШУ КУНГИ СУҲБАТ МАВЗУИ

Областимиз меҳнаткашлари барча қаторн тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида зўр ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Улар социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб йиллик топшириқни барвақт бажариш, қўшимча қўплаб арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқдалар. Бу курашда қишлоқ меҳнаткашларн ҳам актив иштирок этмоқдалар.

Улар йил бўйи ҳалол меҳнат қилиб кенг пахтазорларда мўл ҳосил етиштирдилар. Эндиликда асосий вазифа мана шу ҳосилни нес-нобуд қилмай, қисқа муддатларда йиғиб-териб олиб, давлатга топширишдан иборатдир.

КПСС Марказий Комитети яқинда республикамиз илғор механизаторларининг ташаббусини қизғин маъқуллади. Механизаторлар терим машиналаридан унумли фойдаланиб, терим суръатини оширишга ва ҳал қилувчи йили пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажаришга барчани даъват этган эдилар. Механизаторлар чақириғи барча пахтакорлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Инғим-терим компанияси қизғин бошланаётган ҳозирги пайтда оммa орасида олиб борилаётган снёсий ишларни янада кучайтириш, ўтказилаётган суҳбатлар самарадорлигини ошириш талаб этилади. Бунинг учун агитаторлар, снёсий ахборотчилар ва снёсий ташкилотчиларнинг навбатдаги семинарини ўтказиб, уларга керакли тавсияларни бериш зарур. Бунда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Партия турмуши» журнали 8-сонида босилган «Снёсий агитацияга раҳбарликни яхшилайлик» ва «Ўзбекистон агитатори» журналининг 15-сонида босилган «Партия сўзининг таъсирчанлигини оширайлик» сарлавҳали мақолалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Сентябрь ойи давомида снёсий ахборотчилар, агитаторлар, ва снёсий ташкилотчилар ўз суҳбатларида қуйидаги материаллардан фойдаланишлари мумкин:

«Ҳал қилувчи йилнинг ярим йиллиги» («Агитатор» журналининг 15-сони).

«Ҳар бир терим машинасидан унумли фойдаланайлик» (Ўзбекистон ССР механик ҳайдовчиларининг мамлакат барча пахтакорларига мактуби. Марказий, республика, область газеталарининг 31август сонида эълон қилинган ва КПСС Марказий Комитети томонидан маъқулланган).

Ўрмон индустрияси (16 сентябрда ўрмончилар куни нишонланади. Бу ҳақда «Агитатор» журналининг 15-сонида босилган мақоладан фойдаланинг).

30 сентябрь — машинасозлар куни. (Вақтли матбуот материалларидан фойдаланинг).

«Энг муҳим, энг асосий» («Экономика и жизнь» журналининг 7-сони).

«Ҳал қилувчи йили одими» («Ўзбекистон агитатори» журналининг 16-сони).

«Бошқаришни такомиллаштирайлик, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширайлик» («Коммунист» журналининг 11-сони).

Машина теримида тўпланган тажрибаларни кенг жорий этайлик» («Ўзбекистон коммунисти» журналининг 8-сони).

«Пахтазор чорлайди» («Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Партия турмуши» журнали, 8-сони).

«Саҳий гектарлар» («Ўзбекистон агитатори» журналининг 15-сони).

«Чорвачиликда комплекс механизация» («Ўзбекистон агитатори» журналининг 16-сони).

«Бадиий маданиятни ривожлантиришга партия ғамхўрлиги» («Ўзбекистон коммунисти» журналининг 8-сони)

«Турмуш, анъана, дин» («Ўзбекистон агитатори» журналининг 16-сони).

«Ичкилик—саломатлик душмани» («Ўзбекистон агитатори» журналининг 15-сони).

«Тинч-тотув яшаш — халқаро ривожланиш омили» («Международная жизнь» журналининг 7-сони).

«Тарихий тинчлик сафари» («Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Партия турмуши» журнали, 8-сон).

«Умумий тинчликнинг муҳим фактори» («Ўзбекистон агитатори» журналининг 16-сони).

9 сентябрь — Болгария Халқ Республикаси озод қилинган кун. (Вақтли матбуот материалларидан фойдаланинг).

«Осиёга коллектив хавфсизлик керак» («Ўзбекистон агитатори» журналининг 15-сони).

«Хитой қаёққа бораяпти» («Международная жизнь» журналининг 7-сони).

ЭСЛАТМА: Суҳбатлар ўтказиш чоғида вақтли матбуот материаллари, маҳаллий ҳаётдан олинган факт ва мисоллардан кенгроқ фойдаланиш зарур.

МЕҲНАТГА ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

КОММУНИСТИК МУНОСАБАТ

Цехлараро бошланган социалистик мусобақада голиб чиқанлиги учун қозон пайвандлаш цехи коллективига ўтган ой иш якунларига қараб биринчи ўрин тақдим этилди ва корхона кўчма Қизил байроғи топширилди. Қозон пайвандлаш цехи коллективи ҳар ойда ўрта ҳисобда бир ярим миллион сўмлик химия аппаратлари ишлаб чиқариб иттифоқнинг йирик шаҳарлари ва ўнлаб чет мамлакатларга жўнатиб турибди.

Ишчилар ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш ҳисобига йил сайин маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кенгайтирмоқдалар. Ўтган ойларда бу ерда аппаратлар корпусида қувурчалар ҳосил қилувчи ярим автоматик қурилма, турли диаметрли темир қувурларни вольцовкалайдиган станок жорий этилди. Бу тадбир қувурларни вальцовкалаш жараёнини уч марта тезлаштирди.

Цех коллективи маҳсулот сифатини яхшилаш устида ҳам алоҳида қайғурмоқда. Ойлик мусобақа якунларига қараб сифатли маҳсулот ишлаб чиқарган ишчилар алоҳида рағбатлантирилади. Ишчилар сифатли ишлашдан манфаатдор бўлганликлари учун ҳам брак тобора камаймоқда. Ўтган йили икки хил буғлатувчи қурилма давлат сифат белгисини олишга муяссар бўлди.

— Бу муваффақиятларнинг ҳаммасида коммунистлар ҳиссаси алоҳида сезилиб турибди, —деди цех партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган партия ташкилотининг секретари Г. Безлер.— Партия ташкилотимиз ҳисобида турган 37 коммунист ва партия аъзолигига кандидатлар ишлаб чиқаришнинг асосий участкаларида меҳнат қилмоқдалар. Қозончи Н. Гуров, пайвандловчи С. Қораев, Ю. Фанин, С. Сейдаметов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг илғор ишчилари ҳозирги кунда 1974 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Цех партия ташкилоти коммунистлар активлигини ошириш учун тинмай курашиб келмоқда. Коммунистларнинг аксарияти доимий партиявий топшириққа эга. Мастер А. Яқименкога кўргазмали агитация таъсирчанлигини ошириш, технолог А. Храпановга комсомоллар билан ишлаш, қозончи Н. Гуровга дружиначилар ишини яхшилаш вазифалари топширилган. Бошқа коммунистлар ҳам омма орасида олиб борилаётган снёсий-тарбиявий ишларда фаол қатнашмоқдалар. Шуниси қувончлики, цех коммунистлари ишлаб чиқаришда қандай илғор бўлсалар, жамоат топшириқларини бажаришда ҳам шунчалик активлик кўрсатмоқдалар.

Цех коллективи юксак мажбуриятлар олган ҳолда меҳнат қилмоқда. Улар йиллик топшириғини 25 декабргача адо этиб, қўшимча 70 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини эса кўзда тутилганидан 0,2 процент оширишга мўлжаллаганлар. Бу вазифани бажармоқ учун бор имкониятларнинг ҳаммасидан унумли фойдаланиш, ички резервларни тўла ишга солиш талаб этилади.

Докладчи ва музокарада қатнашган А. Храпаков, К. Раҳмонов, А. Якименко, Е. Бугаев каби коммунистлар ҳисобот даврида эришилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга бундан буён бажарилиши лозим бўлган вазифалар устида ҳам алоҳида тўхталдилар. Цехда ёшлар асосий куч ҳисобланади. 35 комсомол коммунистлар билан бирга меҳнат қилмоқда. Лекин ёшларни ўқитиш, малакасини ошириш устида кам қайғурилмоқда. Партбюро қабул қилинган қарорлар ижросини ҳам ўз вақтида текшириб бормайди.

Коммунистлар камчиликларни бартараф этиш юзасидан конкрет таклифларни ўртага ташладилар. Қабул қилинган қарорда партия группалари жанговарлигини янада ошириш, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш, партия ва комсомол маорифи ўқуви самарадорлигини ошириш зарурлиги алоҳида уқтирилди.

Йиғилишда цех партия ташкилотининг янги составн сайланди.

Ж. НОСИРОВ,
«Узбекхиммаш» заводи.

ФАН ва ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

СУТ АППАРАТИ

Олимлар сутнинг энг муҳим таркибий қисмлари сифатида фақат ёғини эмас, балки оқсил ва шакар моддаларини ҳам тилга олишади. Кўп мамлакатларда эса сут сифатига баҳо беришда фақат оқсил ва сут шакари қанчалик кўп эканлигига қарашади. Шу боисдан ҳам сутда юқоридаги тўйимли моддалар қанчалигини аниқлаш масаласи туғилади.

Инглиз олимлари ана шу масалани ҳал қилиш мақсадида махсус аппарат яратишди. Асосий қисми спектрометр деб аталган мазкур мослама орқали сутнинг намуналари олинади. Турли узунликдаги спектр нурларини ўтказилади. Уларни сут ўзида қанчалик ютишига қараб оқсил, шакар ёки ёғ қанча миқдорда борлиги тез аниқланади.

РЕЖАЛИ ИШ САМАРАСИ

Бу сувоқчилар коллективи «Узбекшахтастрой» трестидагина эмас, бутун Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги системасида ҳам энг илғор бригадалардан бири ҳисобланади. Унга юксак малакали сувоқчи, ўз ишини пухта биладиган тажрибали бинокор Яков Генрихович Янцен раҳбарлик қилмоқда. Бригада ташкил этилганига 6 йил бўлди. Бригадирнинг ўзи эса чорак асрдан буён бунёдкорлик ишлари билан шуғулланмоқда. Бригада иш кўрсаткичлари муттасил юқори бўлаяпти. Зиммасига юклатилган барча вазифаларни тез ва соз бажаришга эришмоқда. Ишларининг сифати ҳам кўнгилдагидек.

Бригада аъзолари меҳнати натижасининг салмоқли бўлишига ёрдам бераётган омиллар нималардан иборат? Ушбу мақолада ана шу ҳақда тўхтаб ўтмоқчимиз. Токи, бригаданинг илғор иш усуллари, бой тажрибаси бошқалар учун ҳам қўл келсин.

Бригадада 17 киши ишлайди. Уларнинг малака состави ҳам анча юксак, 9 киши учинчи даража, 6 сувоқчи тўртинчи, 1 киши бешинчи ва яна бир бинокор иккинчи разряд эгаси. Иккинчи разряд янги бинокорларни, кўпинча ҳунар-техника билим юртини битириб чиқган ёшларни ўргатиш учун доимий ўрин ҳисобланади. Маълум назарий ва амалий тайёргарликдан сўнг иккинчи разрядли бинокорга учинчи разряд берилади ва у бошқа сувоқчилик бригадасига ўтказилади. Ўрнига эса янги ишчи олинади Бу ҳам умумий манфаатни учун қилинмоқда. Бригада ишлаб турган шаҳар қурилиш бошқармаси раҳбарлари тажриба ва сувоқчилик маҳоратини эгаллаш учун бригадага ишчилар юбориб туради. Одат бўйича янги бинокор узоғи билан уч ой мобайнида етук мутахассис бўлиб етишади.

Бригадада меҳнат жуда пухта ташкил этилган. Бригаданинг барча аъзолари ўртасида вазифалар қатъий тақсимланиб олинган. Ҳар бир бинокор ўз вазифасини яхши билади. Шунинг учун ҳам бригадир уларни жой-жойига қўйиш билан шуғулланмайди. Бригадир меҳнат куни бошланиши олдидан бинокорларни бажариладиган ишлар ва техника хавфсизлиги масалалари билан таништиради. Иш қуролларининг, қоришма тайёрлаш ва лозим бўладиган бошқа мосламаларнинг борлигини текширади.

Бригада 6 йилдан буён турли серия ва типдаги ўй-жойларни пардозлаш билан шуғулланяпти. У шунга ихтисослашган. Деворни қора сувоқ қилишни учинчи ва тўртинчи разрядли ишчилар бажаради. Мураккаб архитектура элементларини суваш билан тўртинчи разрядли бинокорлар шуғулланади. Бригадирнинг ўзи эса қоришма насосида ишлайди ва қоришманинг бир меёрда сувоқчилар ишлаётган жойга етказиб бериш билан шуғулланади. Юзаки қараганда бригада ишининг ўзига хос хусусиятларини, бошқа сувоқчилик бригадаларидан фарқ қиладиган иш усулларини фарқига бориш қийин, аммо синчиклаб қарасангиз, бригада ютуқлари нималардан ташкил топаётганлигини тушуниш мумкин.

Ана шундай тафовутларнинг бири шундаки, бригадада қоришма бевосита насос орқали деворга чапилади. Аммо кўпчилик бригадаларда нима учундир қоришма олдин насослар ёрдамида идишларга солиниб, сўнгра чўмичлар билан деворга чапилади. Бу билан иш вақтининг маълум қисми фойдасиз ўтади, меҳнат сарфиёти ҳам кўп бўлади. Бригадада суваша бутун деворни қоплайдиган андавадан ҳам фойдаланмоқда. Асосий андава эса 1,5 метрлик. Бундай андаваларлан фойдаланиш иш суръатини икки баравар тезлаштириш ҳамда сувоқнинг силлиқ чиқишига ёрдам бермоқда.

Бригада қўлланаётган суваш технологиясининг афзалликлари шундаки, насос билан деворга қоришма чаплаётган бинокорлар бир девордан иккинчи деворга ўтиб, бошқалар учун муттасил иш фронти яратиб берадилар. Сувоқчилардан сўнг силлиқловчилар ишлайди Қора сувоқда 4 киши банд, асосий пардоз сувоқ ишларини 10 киши амалга оширади.

Бригадада икки бандлик қоришма сепиш чўмичдан фойдаланилмоқда. Унинг битта банди айланувчи бўлиб, девор юзининг оддий чўмичларга нисбатан анча кенг майдонига қоришма сепиш имконини бермоқда.

Бригадада иш кунидан максимал фойдаланишга эришилаётганлигининг омилларидан бири суваш учун ярим кунлик қоришма запасининг доим бўлишидадир. Агар қоришма етказиб бериш узилиб қолса, ундан фойдалана берилади. Бригада одатда қора сувоқ обдон қуригач устига пардоз сувоқ беради. Бу нам қора сувоқдагига нисбатан айрим қийинчиликлар вужудга келтиради. Лекин ишнинг сифати юксак бўлади. Шундай қилинганда сувоқ ҳеч ёрилиб кетмайди. Нам қора сувоқ устига пардоз сувоқи берилганда эса, у кўплаб ёрилиб кетади. Бу эса қўшимча қоришма ва меҳнат сарфлашга олиб келади.

Бригаданинг кўпчилик бригадаларидан фарқи яна шундаки, олиб келинган қоришма вақт билан ҳисоблашилмай, охиригача фойдаланилади. Буни бригада аъзолари ўз ташаббуслари билан қиладилар. Натижада қоришма ҳеч вақт исроф бўлмайди. Одатда айрим бригадалар иш вақти тугаш олдида келтирилган қоришмани фойдаланишни ўзларига эп билмайдилар, унинг ишлатилмаган қисмини ташлаб кетиш ҳолларига ҳам йўл қўядилар. Бу билан қурилишга катта зарар кўрсатилади.

Яков Генрихович бошлиқ бригада аъзолари ижодий изланишни ҳам олиб боришади. Улар у ёки бу операцияни бажаришнинг янги усулларини топишга ҳаракат қиладилар. Сувоқчиларнинг изланиши билан қоришма деворга босим ёрдамида махсус тўр орқали сепилади. Бу тўр бригадада ясалган. У қўлланилганда қоришма деворга бир меъёрда, бир хил қалинликда чапишади.

Бригада трестда биринчилар қатори коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номни олган. Бригада аъзолари бу юксак номни шараф билан оқлаб келишяпти. Ишлаб чиқариш интизомига қатъий амал қилишади, коммунистик онглилик намуналарини кўрсатишмоқда. Ҳар бир бинокор ўз вазифасига сидқидилдан муносабатда бўлади. Коллективда ўзаро ишонч ва тушунишга асосланган ижодий ва дўстона вазият вужудга келтирилган.

Сўнгги вақтда бригада ишни Николай Злобин усули асосида олиб бормоқда. Сувоқчилар ҳали тўла қад кўтармаган бинода ишни бошлаб юборишаверади. Улар биринчи қаватни суваш билан шуғулланишаётганда иккинчи, учинчи қаватларда ишни териш давом этаверади. Шундай усулнинг қўлланиши натижасида вақтдан ютилмоқда ва бинони муддатидан илгари фойдаланишга топшириш мумкин бўляпти.

Бригада айрим ойларда 3500 квадрат метр сувоқ ишларини бажармоқда. Нормага мувофиқ ҳар сменада бир сувоқчи 12 квадрат метр ҳажмда иш бажариши керак. Аслида бу кўрсаткич 16—17 квадрат метр ва ундан ҳам кўпроқни ташкил этмоқда. Ишнинг сифат кўрсаткичлари ҳам юксак бўлмоқда. Бунинг учун бригадага ҳар ойда ўрта ҳисобда 12,5 процент қўшимча иш ҳақи тўланмоқда. Айрим кунлари ҳар бир сувоқчи меҳнати эвазига 20 сўмга етказиб маош олмоқда. Самарали ва фидокорона меҳнат бригада аъзолари турмушининг фаровон бўлишига ёрдам бермоқда.

Шу кунларда тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили топшириғини муваффақиятли бажаришга астойдил бел боғлаган бу пешқадам бригада сувоқчилари социалистик мусобақада юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Деярли ҳар ойда бошқарма ва трест бригадалари ўртасидаги мусобақада мукофотли ўринларни эгалламоқда. Кўпинча пул мукофотлари билан тақдирланяпти.

— Ҳали ишимизда фойдаланилмаётган резервлар анчагина бор,— дейди Яков Генрихович Янцен.— Қатор объектив-субъектив нуқсонлар ишимиз натижасининг янада баракали бўлишига тўсқинлик қилмоқда. Биз бундан буён ана шу камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қиламиз. Шу мақсадда изланиш олиб борамиз. Бинокарни тез ва соз сувоқдан чиқаришга ёрдам берадиган омиллардан фойдаланишга интиламиз.

Ҳа, бригада ҳар бир аъзосининг фикри-зикри шундай. Улар қўлга киритилган ютуқлар билан чекланиб қолиш, ё уларга маҳлиё бўлишга одатланишмаган. Муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш учун курашадилар. Бу эса меҳнатда янги-янги зафарларга эришиш омилидир.

А. СПИРИДОНОВ,
трест техника информацияси бўлимининг катта инженери.

З. УЛЬЯНОВА,
трест ўқув комбинати ходими.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МИНБАРИ

СЕРҚУЁШ РЕСПУБЛИКАМИЗДА

ДАШТДАН ЎТАДИГАН КАНАЛ

◆ТЕРМИЗ. Қизирқ даштидаги ва унга ёндош массивлардаги бўш ётган 25 гектар унумдор ерларни Оққопчиғай канали суғоради. Бу канал Сурхон—Шеробод водийсининг шимолигарбий томони бўйлаб ўтади. «Ўзгипроводхоз» институтида узунлиги эллик километрга яқин, секундига 35 куб метр сув ўтказиш қобилиятига эга бўлган бу канал биринчи навбатининг қурилиш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Оққопчиғай каналидан сув оладиган янги ўзлаштириладиган ерларда дон экинлари экилади.

Кейинчалик, Сурхондарёнинг юқори қисмида Тўпалон сув омбори қурилгач, қўриқ ерларда бир канча йирик пахтачилик хўжаликлари барпо қилинади.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШДА

◆БУХОРО. 16-қурилиш трестининг Исмат Исомов бошчилигидаги ғишт терувчилар бригадаси беш йиллик планни бажаргаплиги тўғрисида рапорт берди. Бригада Бутунниттифоқ зарбдор қурилиши — Бухоро ип-газлама комбинатида меҳнат қилмоқда. Коллектив шу вақтнчида анча иш қилиб қўйди. Бригада аъзолари меҳнатни яхши ташкил этиш, механизмлардан самарали фойдаланиш туфайли ойдан-ойга юксак кўрсаткичларга эришиб бормоқдалар.

НАМАТДАГИ ГУЛЛАР

◆НУКУС. Ўтов-намат комбинати ўзига хос миллий қорақалпоқ нақшлари билан безатилган гулдор наматнинг дастлабки туркумини тайёрлади. Уларни комбинатга ўрнатилган автомат линия чиқазади. Наматларнинг безакларини қўли гул халқ усталари Сора Тўртқулбоева ва Ўразбой Абдиевлар яратишди.

Комбинатда ранг-баранг наматли тайёр ўтовларни чиқаришни ташкил қилиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун бир канча йирик цехлар кенгайтирилиб, янги машиналар ўрнатилади.

ИШЧИ НОМИ — УЛУҒ НОМ

ФИРМА ФАХРИ

...Ёш Александр ўрта мактабни тугатиб, меҳнат фаолиятини трикотаж фирмасида бошлади. Дастлаб тикув цехида турли ишларни бажарди. Бир йилдан сўнг механик ёрдамчиси сифатида ишлаб юрганида, уруш бошланиб қолди. Ватанимиз ўғлонлари қатори у ҳам қўлига қурол олиб, фронтга отланди. Не-не жангу-жадалларда душман билан курашиб,— Берлингача борди.

Урушдан тугагач Александр яна қадрдон корхонасига қайтиб севган касбида ишлай бошлади. Тажрибали механиклар Геннадий Широв ва Маҳмуд Расуловлар ёрдамида кундан кунга ўз мамлакасини оширди. Инлар ўтди. Мана, энди у ўзи шу касбнинг устаси.

Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида Тошкент трикотаж фирмасининг чеварлари зиммаларидаги оширилган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашмоқдалар. Бу кўп жиҳатдан тикув машиналарининг узлуксиз ишлашига боғлиқ. Александр Лобанов бу вазифанинг уддасидан чиқмоқда. Пландаги 100 ўринга 270 та тикув машинасини узлуксиз ишлашини таъминлаяпти.

Фирма коллективи А. Лобановни рационализатор сифатида ҳам яхши танийди. Унинг меҳнат унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган кўплаб таклифлари ишлаб чиқаришга жорий қилингач, улардан корхона яхши фойда олди.

Тажрибали механик кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида ўнга яқин шогирд тайёрлади. Республикамизнинг турли бурчакларида фидокорона меҳнат қилаётган Вафо Каримов, Бекмурод Турсунов, Владимир Синулислар устоз изидан бориб, меҳнатда ювончли ютуқларга эришмоқдалар.

Ш. МИРХАБИБОВ.





КАТТА МАҚСАД ЙЎЛИДА

Агар киши ўз мақсади йўлида астойдил иш олиб борса, ақл, идрок, кўпчилик билан бамаслаҳат меҳнат қилса, энг муҳими бойлик яратувчи азаматларнинг фикр-мулоҳазаларига, уларнинг юрагига қулоқ солса, албатта, кўзлаган маррасини эгаллайди.

Зиёд Назиров Тошкентдаги халқ хўжалиги институтини тугатиб, тўғри Чиноз район наслчилик совхоз техникумига йўлланма олди. У совхозда тўрт йил бухгалтер-экономист бўлиб ишлади, сўнгра тўрт йил совхоз директорининг ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўринбосари лавозимида меҳнат қилди. Ана шу даврда у катта ҳаёт мактабидан дарс олди, энг муҳими у одамлар билан муомала қилишни ўрганди. Ишлаб чиқаришда илғор усулларни қўлланиш, ҳар бир соҳада фан ютуқларини жорий қилиш йўлларини қунт билан ўзлаштирди.

1972 йилнинг бошларида Оқ қўрғон районида сутчилик комплекси ташкил этилиб, бу хўжаликка космонавт Волков номи берилди. Партия йўлланмаси билан коммунист Зиёд Назиров ана шу совхозга директор бўлиб ишга борди.

Хўжалик ҳам, рўзғор ҳам янги совхоз зиммасига сутчиликни ривожлантириш, гўшт етиштиришни кўпайтириш, қўшни хўжаликларга зотдор бузоқларни етказиб беришдек юксак ва масъулиятли вазифа қўйилган.

Бу вазифани бажариш осон эмас албатта. Зиёд Назиров қийинчиликлардан чўчимади. Ўша ерлик кўпни кўрган кекса чорвадорлар, коммунистлар, отахонлар билан маслаҳатлашди. Тегишли ташкилотларнинг мутахассислари, район партия комитети тавсияси билан қатор тадбирларни амалга ошира бошлади.

Сут етиштиришни кўпайтириш, моллар зотини яхшилашга кўп жиҳатдан боғлиқ эди. Шу туфайли Латвиядан қўлдор зотдор гунажинлар олиб келинди. Фермадаги ишларни механизация асосида йўлга қўйишга киришилди.

Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Коллектив меҳнати самарали натижалар бера бошлади.

Мана биз Зиёд Назиров билан суҳбатлашиб ўтирибмиз.

— Кўрсатичларимизни сўзлаб беришдан аввал, фермани айланиб чиқсак,— таклиф қилди директор.

Бу таклиф бизга ҳам маъқул тушди.

...Совхоз фермаси бир неча ўн гектар ерни эгаллаган. Кираверишда кийим-кечак ечилиб, кир жомаларга алмашинадиган хона. Унг томонда эса сут соғувчилар уйи жиҳозлаб қўйилибди. Унинг ёнида кичкинагина кутубхона. Деворларда турли шиор, плакатлар. Ёзувларидан маълум бўлдики, ферма сут соғувчилари бу йил ҳар бир сигирдан 3 минг литрдан сут соғиб олишга, давлатга 500 тонна сут сотишга аҳд қилишган.

Нарироқда янги туғилган бузоқлар учун хона айратиб қўйилибди. Келган ем-хашаклар тарозида тортиб олинади. Ветеринария пункти ҳам шу ерда. Бош ветврач тун-кун моллар атрофида парвона бўлади. Касал моллар аниқланадиган бўлса, дарҳол хонага олиб кирилиб, даволанади.

Ҳар шанба куни санитария куни деб эълон қилинган. Фермада ҳар бир киши ўз иш жойини кўздан кечиради, лозим бўлса оқлайди, супиради-сидиради.

Янги туғилган бузоқларга ўн кундан сўнг ем-хашак бера бошлайдилар. Ана шундай қилинса бузоқнинг организми кўникма ҳосил қилади. Бошқа озиқ-овқатларимиз ҳам белгиланган рацион асосида бериб борилади.

Ташқарида эса катта ёшдаги бузоқлар боқилмоқда. Январь ойида туғилган бузоқлар, мана, энди ҳозир етилиб колибди.

Биз фермани айланар эканмиз, бу ерда меҳнатни илмий асосда ташкил этилаётганлигини кўрдик. Молхонага траспортерлар ўрнатилган. Бу транспертерлар ёрдамида гўнг чиқарилиб, махсус цистерналарга туширилади. Цистерна тўлгач, кран очилади. Бу транспортер тўрт тонна гўнгни чиқариш қувватига эга. Бу механизм ёрдамида 30 секунд ичида молхонадаги чиқиндилар 200 метр ташқарига узатиб юборилади.

Ем-хашак мўл бўлгани билан турли витаминларга бойитилиб, майдаланиб едирилмаса, пушхўрда кўп чиқиши мумкин. Ана шу мақсадда ем-хашак цехи қурилиши энг сўнгги фан ютуқлари асосида амалга оширилмоқда. Бу цех тайёр бўлгач, бир кунда мингта молга етадиган ем-хашак тайёрланади.

Сутчилик пункти ҳам ҳозирги замон ускуналари билан жиҳозлаб қўйилибди. Хонага кираверишингизда сепаратор аппаратига кўзингиз тушади. Сут маҳсулоти стерилизация қилингач, совутиш қурилмасига юборилади. Лабораторияда сутнинг ёғлилик даражаси аниқланади. Биз лаборатория мудири Ўрозгул билан суҳбатлашдик. «Ҳозирча ишимиз ёмон эмас, дейди у, — сутнинг мойлилик даражаси 3,8 процентни ташкил этмоқда».

Фермани айланиб ташқарига чиқамиз.

— Келажакда, — дейди директор мана бу уч километр йўлдоқ жойда сигирлар яйратилиб, турадиган майдон ташкил этилади.

Кўпчилик билан бамаслаҳат иш олиб бориш, илғорлар тажрибасини қўллаш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий қилиш чиндан ҳам қувонарли самаралар бермоқда.

Совхоз ташкил этилган дастлабки йилиёқ яхши натижаларга эришилди. Ҳар бир сигирдан 2 минг 910 литрдан сут соғиб олинди. 100 тонна ўрнига 230 тонна сут соғиб олиниб, давлатга 150 тонна сут сотилди. Латвиядан келтирилган гунажинлар тез ўстирилди. Уларнинг айримларидан 3 минг литрга етказиб сут соғиб олинади.

Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган хўжалик меҳнаткашлари бу йил 230 сигир боқмоқдалар. Йил охирига бориб бу сигирлар сони 350 бошга етказилади.

— Бу йил давлатга 225 тонна сут топширишимиз керак эди, — гапида давом этди директор, — молбоқарларимиз, сут соғувчиларимиз, зоотехник ветврачларимиз, чорвадорларимизга минг раҳмат. Улар астойдил ишладилар. Йиллик планни август ойининг ўрталаридаёқ бажариб қўйдик.

Зиёд Назиров коммунист зоотехник Усмон Сулаймоновнинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга олади. Олий маълумотли йигит. Янгиликларни ўқиб ўрганиб боради. Таклифлар киритади. Ветеринария врачи коммунист Алексей Иванович Рязанов ҳам астойдил иш олиб бормоқда.

Сут соғувчилар мусобақаси тобора авж олмоқда. Фая Тухфатуллина мусобақа пешқадамларидан биридир. У ўзига бириктирилган 26 бош сигирнинг ҳар биридан 3 ярим минг литрдан сут соғиб олиш учун бел боғлаган. Зинаида Двоеглазова, Хурсанд Каримова сингари сут соғувчилар ҳам гайрат қилмоқдалар. Улар Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси Мунаввара Исҳоқова ташаббусига қўшилиб, беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида янги марраларни эгаллаш учун курашмоқдалар.

Сут соғувчилар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача сут соғиб олишнинг умумий миқдорини 650 тоннага етказишга аҳд қилдилар. Давлатга етказиб бериладиган сут миқдори 500 тоннага етказилади.

Хўжаликнинг келажаги янада порлоқ. Келгуси йилга бориб соғиладиган сигирлар сони 500 бошга етказилади. Ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут кўпаяди. Давлатга 1 минг 100 тонна сут топширилади.

Беш йилликнинг охирига бориб совхоз давлатга 3 минг 600 тонна сут етказиб бериши керак.

Бироқ, хўжаликда қурилиш ишлари анча сust бормоқда. Область қурилиш ташкилотига қарашли 64-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари негадир ишни пайсалга солмоқдалар. Смета бўйича 1973 йилда 450 минг сўмлик иш бажарилиши керак эди. Афсуски, етти ой давомида 70 минг сўмлик иш бажарилди.

Совхоз эса ўз кучи билан 400 бошга мўлжалланган ферма биносини бир ярим йилда қуриб битказди.

Лекин, қурилиш ташкилотларининг сусткашлиги туфайли янги молхоналарнинг битиши қийин бўлаяпти. Бу эса, албатта мўлжалдаги ишларни бажаришга ҳалақит беради.

Хўжаликда ем-хашак базаси мустаҳкамланмоқда. 380 гектар беданинг ҳар гектаридан уч ўримда 180 центнердан ҳосил олинди. Мутахассисларнинг тавсияси билан бошқа зарур тадбирлар ҳам амалга оширилди. 100 гектар ерга экилган арпадан 23 центнердан ҳосил олиниб, бўшаган ерларга маккажўхори ва кунгабоқар экилди.

Совхозда чорвадорлар маданий-маиший турмушини яхшилаш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилинмоқда. Янги типда уйлар қурилмоқда. Мактаблар, клублар солинмоқда. Кўчаларга асфальт ётқизилмоқда.

Бир сўз билан айтганда янги совхозда эришилаётган янги ютуқларни кўриб кўз қувонади.

Н. РИХСИЕВ.

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ

ҚИШЛОВНИ КЎЗЛАБ

БЕКОБОД районидаги Ленин номли колхоз чорвадорлари ҳар йили мустаҳкам озуқа базасини тайёрлаш соҳасида район хўжаликлари орасида олдинги сафда борадилар. Миришкор чорвадорлар бу йил ҳам чорва моллари учун мўл-кўл озуқа тайёрлашга алоҳида эътибор беришмоқда.

Шу кеча-кундузда азамат чорвадорлар ем-хашак тайёрлашда фидокорлик кўрсатиб ишлашяпти. Жумладан, маккажўхори бригадаси бошлиғи А. Мусурмонқулов ҳар гектар майдондан 450 тоннадан силос бостиришга эришди. Суратларда (чапда) бригада бошлиғи Абдуқодир Мусурмонқулов ва колхозчи Абдуназар Мусурмонқулов ўртоқларни кўриб турибсиз. (Ўнгда) силос бостириш пайти.

Т. МАҲКАМОВ фотолари.

МАККАЖЎХОРИКОРЛАР ҒАЙРАТИ

ОҚҚЎРҒОН. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Свердлов номли колхозда чорвачилик йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бунга ем-хашак базаси мустаҳкамлиги, ҳар йили етарли миқдорда чорва учун озуқа тайёрланаётгани туфайли эришилмоқда. Бу йил ҳам колхоз чорвадорлари мўл-кўл ем-хашак тайёрлашга катта эътибор бераётирлар.

Қўшоқ Жумақулов бошлиқ бригада аъзолари 70 гектар ерга силос учун маккажўхори экиб мўл ҳосил етиштирган эдилар. Ҳозир силос қилиш тўгалланаётир. План бўйича 2600 тонна силос бостириш белгиланган эди. Азамат маккажўхорикорлар ҳозиргача 3600 тонна силос тайёрладилар. Силос бостириш давом этмоқда.

Колхозда Абдусаттор Абдуллаев бошлиқ, ёшлар бригадаси 70 гектар ерга дон учун маккажўхори экkан эди. Ана шу майдонда мўл ҳосил етиштирилди. Дон учун экилган маккажўхори йиғиб олинмоқда. Ҳар гектар ердан 65—70 центнердан дон олинмоқда.

Ёшлар бригадаси ҳар гектар ердан олинадиган маккажўхори донини 70 центнергача етказиш учун курашмоқдалар.

Тарбиявий темада

БОЛА ВА ИРОДА

Ирода бирон бир мақсадни кўзлашда, муҳокамакилликда, қатъиятда, чидам-саботда, сабр-бардошда ва ўзини тута билишликда намоён бўлади. У ҳар қандай тўсиқларни енгишга, ҳар қандай оғир шароитга чидашга имкон берувчи гоят қудратли бир кучдир.

Болаларда бўлган қобилиятни ўстиришда, ундаги иродани мустаҳкамлаш ва шакллантиришда оила ва мактаб асосий ўрин тутади. Совет ёшларини характерлайдиган маънавий қиёфа, гўзал фазилатлари орасида кўзланган мақсадга эришиш учун ҳар қандай тўсиқ ва қийинчиликларни енгиш учун ёрдам берувчи коммунистик ирода биринчи ўринда туради. Ўсмирларга ва ёшларга нисбатан қўйилган талабга кўра интилишлари учун уларни иродали қилиб тарбиялаш отаоналар, ўқитувчилар ва комсомол ташкилотларининг бирдан-бир вазифасидир.

Ирода деб кишининг ўз хулқини идора қила билиш қобилиятига, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай ўз олдига қўйган мақсадига мувофиқ ҳаракат қилиш ва уни уддасидан чиқишга айтилади, деб ўйлаймиз. Иродаси мустаҳкам бўлса, киши учраган қийинчилик ва хавф-хатарга қарамай, ярим йўлда тўхтаб қолмайди, бошлаган ишини мардлик, жасурлик, қатъиятлик билан охирига етказади.

Ирода кишининг иш фаолиятида, эришган муваффақиятлари ёки учраган тўсиқларида шаклланади, унинг ривожланиб боришида турмуш шароити, оиладан, мактабдан олган тарбияси муҳим роль ўйнайди. Агар бола бир ишни қилишда ўзидан катталарнинг кучига ишонса, хоҳлаган нарсасининг мужассам бўлишида сира ҳам куч сарф қилмайдиган бўлса, бундай боладан мустаҳкам характерли ва қатъий иродали киши етишиб чиқиши қийин.

Айрим ота-оналар ўз фарзандларининг катта бўлиб қолганлигига қарамасдан, ўзларича: «ҳали у ёш-да, ундан нимани талаб қилиб бўлади, ўсиб катта бўлсин, сўнг ўзимиз билламиз» деб ўйлайдилар. Бу тўғри мулоҳаза эмас. Боладан, албатта унинг ёшига қараб бир ишни талаб қилиш керак.

Ёшроқ болаларимизда ҳам ўсмирлардек ҳақиқий ботирлик, мардлик, жасурлик ва чидамлилик бўлиш анча қийин, лекин улар шундай хусусиятларга эришишни орзу қиладилар. Ота-оналар топширилган ишни бажаришга, ўйин, машғулотлар вақтида учраган тўсиқ ва қийинчиликларни енгишга ўргатиш ва одатлантиришлари лозим.

Ўз олдига мақсад қўя билиш ва унга эришиш учун интилиш, учраган қийинчиликларни енгиш учун саботли, чидамли бўлишга, эринмасдан ишлашга ўргатиш керак. Болада бўлган иродани тарбиялаш ва шакллантириш учун уни биринчи галда ялқовлик, иш ёқмаслик ва эринчоқликдан сақлаш керак. Эринчоқлик иродаининг кучсизлигидан келиб чиқади. Бу ҳақда Абай шундай дейди: «Эринчоқлик дунёдаги мавжуд ҳамма нарсанинг душманидир. Танбаллик, ғайратсизлик, уятсизлик, журъатсизлик каби нарсаларнинг ҳаммаси эринчоқликдан келиб чиқади»

Ирода болаларда ҳам, катталарда ҳам ижобий ҳамда салбий бўлиши мумкин. Ҳаммамизга маълумки, салбий ирода шахснинг ўзи учун, ҳам жамият учун зарарлидир. У жамоат манфаатини кўзлаган бўлса, киши шахсий ҳоҳишини жамоат манфаати билан мос ҳолда амалга оширган бўлади. Бундай ирода тарбиявий ирода ҳисобланади.

Ота-оналар ва мактаб ўқитувчиларининг олиб борадиган тарбиявий ишлари маънавий аҳамият касб этилиши лозим. Бинобарин, иродани тарбиялаш осон иш эмас.

Одатда ялқовлик, бемаънилик ,ўзини идора қила билмаслик ,танбаллик, эринчоқлик кабилар боладан кўп куч ва бирор ҳаракатни талаб қилмайди, у болага сингиб кетади. Бола шуларга одатланиб қолса, уни енгиб олиш анча қийин бўлади. Шунинг учун бола иродаси қанчалик барвақт тарбиялаб чиниқтириб борилса, яхши натижа беради. Болаларнинг иродаси қийинчиликларни шахсан ўз кучлари билан енгишда ривожланади.


Эрта билан ўриндан туриш, гимнастика машқини ўтказиш, дарсларни ўз вақтида тайёрлаш, мактабга бориш учун ҳозирлик кўриш — буларнинг ҳаммаси ўқувчида маълум малака — ирода кучини чиниқтириб боради. Синф раҳбарлари ўзларининг тарбиявий соатларида мардлик, баҳодирлик, қаҳрамонлик ва жасурлик ҳақида суҳбатлар ўтказиб туришлари яхши натижа беради.

Кўриниб турибдики, мақсадга эришишда учраган тўсиқ ва қийинчиликларни енга оладиган ва уни уддасидан чиқадиган ёшларни иродали қилиб тарбиялашда оила ва мактабнинг роли гоят каттадир.

Ф. НУРИДДИНОВ,
педагог.

МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР



БУЮК БРИТАНИЯ пойтахти Лондон. Шаҳарнинг марказий кўчаси Оксфорд — стрит мана шундай серҳаракат ва гавжум.

ПРЕСС—ТАСС фотоси.

Ф. КАСТРОНИНГ ВИЗИТЛАРИ

БАҒДОД, 11 сентябрь. (ТАСС). Куба республикаси революцион ҳукумати бошлиғи Фидель Кастронинг Ироқ республикасига қилган бир кунлик визити тугади.

Ф. Кастро Ироқда бўлган чоғида Ироқ республикасининг президенти Аҳмад Ҳасан Аль-Бакир билан учрашди. Ҳурматли меҳмон шарафига зиёфат берилди.

Фидель Кастро бугун эрталаб Бағдоддан жўнаб кетди. Бағдод аэропортида Куба республикаси революцион ҳукуматининг бош министрини Ироқ революцион қўмондонлиги кенгаши раисининг ўринбосари Саддам Ҳусайн, революцион қўмондонлик кенгашининг аъзолари ва бошқа расмий кишилар узатиб қолдилар.

КАМБОДЖАДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ПАРИЖ, 10 сентябрь. (ТАСС). Вилоят маркази Кампойтямда ватанпарвар кучлар билан Пномпень қўшинлари ўртасидаги кўча жанглари тўхтамаётир. Информация агентликларининг хабар беришича, бугун Пномпень авиациясининг самолётлари ватанпарварларнинг шаҳар жанубий қисмини назорат қилиб турган позицияларига напалм бомба ташлади. Пномпень авиацияси Кампонгтямдаги университет шаҳарчаси территориясини ҳам бомбардимон қилди.

Озодлик кучлари 4-тош йўлнинг — пойтахтдан 55 километр шимоли-ғарбдаги яна бир участкасини қирқиб қўйишди.

ЧИЛИДА ҲАРБИЙ ИСЕН

Кеча эрталаб Чилида республиканинг қонуний ҳукуматига қарши ҳарбий исён кўтарилди. Ҳарбийлар президент Сальвадор Альенденинг истеъфога чиқишини талаб қилиб чиқдилар.

Ҳукуматни қўллаб-қувватлаётган радиостанциялар орқали С. Альенде гапириб, ҳарбий денгиз кучлари группаси «ҳукуматга қарши исён кўтарди» деб хабар қилди. Ҳарбий денгиз кучлари группаси Вальпарайсо порти ва шаҳрини эгаллади. «Масъулиятсиз элементлар», деб айтди президент,— менинг истеъфога чиқишимни талаб қилмоқдалар.

Давлат бошлиғи таъкидладики, у демократик тузумни ҳимоя қилиб бўлса ҳам ҳимоя қилади. «Мен, деди Альенде, истеъфога чиқмайман. Мен ўз ихтиёримда бўлган ҳар қандай воситалар билан исёнга зарба беришга қатъий қарор берганман».

Президент барча меҳнаткашларни қонуний конституцион тузумни ҳимоя қилиш учун корхоналарни эгаллашга даъват қилди. Чили меҳнаткашларининг ягона касаба союз маркази ҳам худди шундай даъват билан чиқди.

«Магальянес» радиостанциясининг берган хабарларига кўра, Халқ бирлигининг барча партиялари ҳукуматни қатъий қўллаб-қувватлаяжаклари ҳақида баёнот билан чиқдилар.

Информация агентликлари мухбирларининг Сантьягодан хабар беришларича, қуролли кучлар уч турининг қўмондонлари хунта ташкил этиб, республика президенти Сальвадор Альенде 24 соат муҳлат ичида истеъфога чиқишини талаб қилдилар. Ҳарбийлар берган баёнотда айтиладики, «Халқ бирлиги билан алоқадор бўлган матбуот, радио ва телевидение ўз эшиттиришларини тўхтатишлари даркор. Акс ҳолда улар бартараф қилинади. Аҳоли ўз уйларидан ташқарига чиқмаслиги керак».

Исёнчиларнинг самолётлари президент саройи устидан учмоқда. Ҳарбий бўлинмалар қуролли кучлар турларининг қўмондонлари берган буйруқни бажаришдан бош тортган радиостанцияларни йўқотишга киришдилар. Исёнчиларнинг радиостанциялари орқали ҳамма давлат ва хусусий компанияларга қарата буйруқ эшиттирилиб, унда ҳамма радиоэшиттириш ва ҳар қандай радио алоқани, шунингдек, ташқи дунё билан боғловчи ҳар қандай телеграф ва телефон алоқасини дарҳол узиш талаб қилинди. Мамлакат аэропортлари ёпиб қўйилди.

Ҳарбий хунта Чили территориясида ҳарбий ҳолат ва комендантлик соати жорий қилинганлиги ҳақида эълон чиқарди. Аҳолига қурол-яроғ билан юриш тақиқланди.

Ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари президент саройини ўққа тутдилар, кейинчалик сарой исёнчилар томонидан ҳужумга дучор бўлди.

ТАСС, 12 сентябрь.

ЧИЛИДА ҲАРБИЙ ТЎНТАРИШ

НЬЮ-ЙОРК, 12 сентябрь. (ТАСС). Чилида қонуний халқ бирлиги ҳукуматига қарши ҳарбий тўнтариш қилинди. Телеграф агентликларининг ҳабарларига қараганда, исёнчилар президентнинг «Ламонеда» саройига ҳужум қилиб, уни босиб олганлар. Баъзи хабарларда, президент Альенде «ўзини ўзи ўлдирди» дейилмоқда. Президент саройига қилинган ҳужумда бомбардимончи авиация ва артиллериядан ҳам фойдаланилган. Ҳарбий хунта тузилган. У Чили территориясида фавқулодда ҳолат жорий қилди. Қўшинлар радио ва телефон станцияларининг ҳаммасини эгаллаб олдилар. Чилининг ташқи дунё билан алоқаси узиб қўйилди. Телеграф агентликларининг хабарларида айтилишича, халқ бирлиги ҳукуматининг аъзолари, коммунистлар ва социалистлар қамоққа олинмоқда.

УЧИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 10 сентябрь. (ТАСС). «Скайлэб» орбитал станциясининг иккинчи экипажини ташкил қилувчи Америка космонавтлари Бин, Гэрриот ва Лусма етти ҳафтадан бери учишмоқда. Улар кейинги кунларда қуёшни кузатишга асосий эътибор беришди. Бу кузатувлар иккинчи экипажнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Махсус асбоблар ёрдами билан 3 ва 7 сентябрь кунлари қуёшда, жумладан, икки кучли чақнаш бўлганлиги кузатилди. Журналистлар 7 сентябрдаги чақнашда чиққан энергия жаҳондаги барча электр станциялар бир йил мобайнида ҳосил қиладиган энергиядан 500 минг марта ортиқлигини ҳисоблаб чиқаришди. Америка олимларининг фикрича, шу кузатиш натижаларининг ҳатта илмий ва амалий аҳамияти бор. Кузатишлар шу қадар улканки, олинган маълумотларни тўлатўкис ўрганиб чиқиш учун йигирма йилча вақт талаб қилинади.

Кейинги кунларда табиий ресурслар тадқиқ этилди, медицина экспериментлари ўтказилди ва Ер юзининг айрим участкалари фотосуратга олинди. Аммо, Қуёшни кенг кўламда кузатиш ва Ернинг суратини олишга халақит берувчи булутлар сабабидан бу ишлар ҳажми анча қисқартирилди. Бундан ташқари, космонавт Лусма вазнсизлик шароитларида баъзи котишмаларни олиш борасида тажриба ўтказди. Ерда тортиш кучи сабабли моддалар аралаша олмаганлигидан бундай қотишмаларни ҳосил қилиб бўлмасди.

ГОВОННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛАГОС, 10. Нигерия федерал ҳукуматининг бошлиғи Якубу Говон бундай деди: блокларга қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Жазоирда ўз ишини тамомлаган IV конференцияси гоят муваффақиятли ўтди. У Жазоирдан қайтиб кетганидан кейин бу ерда нутқ сўзлаб, башарти Исроил халқаро жамоатчилик фикрини назар-писанд қилмаслигини давом эттирадиган бўлса, Нигерия Исроил билан ўзининг дипломатия муносабатлари тўғрисидаги масалани қайта кўриб чиқади, деди.

ТЕЛЕФИЛЬМ ТАШКЕНТ

ЭНГ ЯХШИ ЛЕНТАЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

ТОШКЕНТ телевизион фестивалининг иккинчи куни округ Офицерлар уйида конкурсга тақдим этилган фильмларни муҳокама қилиш бошланди. Уч группага бўлинган жюри аъзолари конкурс ленталарини баҳолаш бўйича иш олиб боришмоқда. Жюри составига иттифоқдош республикалардан келган кино санъати намоёндалари, етакчи композитор ва драматурглар, музикашунос олимлар, санъаткорлар, кинорежиссер ва операторлар жалб этилган. Улар орасида бадиий телевизион фильмлар бўйича жюри раиси, Марказий телевидение адабий-драматик эшиттиришлар редакциясининг бош редактори Константин Степанович Кузаков, ҳужжатли фильмлар бўйича жюри раиси, санъатшунослик фанлари доктори, СССР кинематография союзининг аъзоси Роман Николаевич Ильин, фильм-концертлар бўйича жюри раиси, Ўзбекистон композиторлар союзи правлениесининг раиси Аҳмад Ҳамидович Жабборовлар бор.

Фестиваль кунлари намойиш этиладиган телевизион фильмларни муносиб тақдирлашда кино режиссёр Али Ҳамраев, Москва Давлат университетининг доценти А. Я. Юровский, кино режиссер Малик Қаюмов, Марказий телевидение режиссери М. Г. Григорьев, СССР халқ артисти Галия Измайлова, композитор И. М. Лученколар жалб этилган.

Фестивалнинг биринчи кунида жюри аъзолари иттифоқдош республикалар «Телефильм» уюшмалари, шунингдек РСФСР нинг етакчи кичик экран усталари томонидан тайёрланган 11 та бадиий, ҳужжатли ва музика ленталарни томоша қилиб, уларнинг ҳар бирига ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Марказий телевидение «Экран» ижодий коллективи томонидан тайёрланган «Шахтёрлар» фильми биринчи бўлиб кўрикдан ўтди. Ҳужжатли, рангли тасвирда суратга олинган бу фильм донецклик Социалистик Меҳнат Қаҳрамони П. М. Брухан бошлиқ бригада аъзоларига бағишланган. Фильмни томоша қилган ҳар бир киши бу лента ижодкорларининг катта маҳоратга эга эканликларидан ишонч ҳосил қилади. Меҳнатда зарбдорликни қўлдан бермай, донг тараташ яратган «Шахтерлар» фильми ҳақиқатан мақтовга лойиқдир.



Озарбайжон телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети ишлаб чиқарган «Ишчи қўллар» фильми Боку шаҳридаги заводларнинг бирн ҳақида, у ерда самарали меҳнат қилаётган токарь Гамид Гафаров тўғрисида ҳикоя қилади. Татаристонлик ижодий коллектив томонидан экранга олиб чиқилган, «КАМАЗ» бригадирлари деб номланган фильм бу умумхалқ қурилишида зардобдорликни қўлдан бермай, меҳнат ютуқларига эришаётган айрим бригадалар тўғрисида гап боради.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқувчиси Лидия Казанцева беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш ташаббусини кўтариб чиққанди. Эндиликда бу қалби дарё рус аёли она-Ватан, халқимиз олдида берган сўзининг устидан чиқди. У беш йиллик план топшириқларини икки ярим йил ичида шараф билан бажарди. Эндиликда бу тўқувчининг издошлари республикамизнинг барча корхоналарида кўпайиб бормоқда. «Ўзбектелефильм»нинг изланувчан ходимлари ана шу мардонавор аёлнинг меҳнат фаолиятини акс эттирувчи «Тўқувчи» ҳужжатли телефильмини яратишди. Республикамиз «Зангори экран» тамошабинлари катта истеъдод билан яратилган ана шу қизиқарли лентани тамоша қилиб, муносиб тақдирлашмоқда. Бу фильм телевизион фильмлар фестивали конкурсига тақдим этилган.

О. Хмельницкая сценарияси асосида оператор Х. Қаюмов суратга олган бу ҳужжатли фильм жюри аъзоларида катта қизиқиш уйғотди.

Конкурсга тақдим этилган фильмларнинг кўпчилиги музикали ленталардан иборат. Волгоград шаҳар телевизион фильмларни яратувчи ижодий коллектив томонидан тайёрланган «Бу қўшиқни қаердан излай» ва «Енисей хороводлари» фильм-концертлари ҳам яхши таассурот қолдиради.

Фестивалда иттифоқдош республика киностудияларида сўнгги йиллар ичида тайёрланган бадиий, рангли телефильмлар ҳам кўрсатилмоқда. А. П. Довженко номли киностудияда ишлаб чиқарилган икки сериали «Бумбараж» бадиий рангли телевизион фильм ҳам жюри аъзолари кўнгидан ўтди. Марказий телевидение буюртмаси асосида тайёрланган бу қизиқарли лентада бош ролларни артистлардан В. Золотухин, В. Смирнов, А. Дуровлар ижро этишган.

Конкурс фильмларини муҳокама қилиш давом этмоқда.

И. ЮСУПОВ.

Суратларда: 1. Бутуниттифоқ телефильмлар фестивали иштирокчилари (юқорида) Игорь Болгарин (Москва), Игорь Савин (Олмаота), Илёс Татаев (Грозний) ўз режалари ҳақида суҳбатлашмоқдалар. 2. ТОШКЕНТ фестивали мамлакатимиз санъаткорларида яхши таассурот қолдирмоқда. Кайфиятни улар чеҳрасидан ҳам сезса бўладн. Фестиваль меҳмонлари С. В. Романов (Сахалин), В. В. Попа (Кишинев), С. В. Юрченко (Владивосток), В. Н. Шлягун (Кишинев), Э. З. Фитисов (Ростов-Дон) ўртоқлар таассуротларини ўртоқлашмоқдалар.

И. Глауберзон ва **В. Сироткин** фотолари.



ётган қаҳрамон бошлиқ бригада аъзолари ўзларининг кундалик иш фаолиятлари билан бир қаторда юриш-туришда, оила тутишда ҳам бошқаларга ўрнак бўлишади. Қаҳрамон билан суҳбат мавзуида ишланган фильм ниҳоятда ишонарли ва таъсирчан чиққан. Шахтерларнинг Ватан ва халқ олдидаги юксак бурчини ҳис эта билиши, ўз касби билан фахрланиши, қийин дамларда дўсти ёнига ёрдамга келиши — буларнинг ҳаммасида бригадада ягона оила фарзандларидек инокликда яшаб, коммунизмнинг мухташам биносини бунёд этаётган совет кишиларининг характерини кўрамиз. Л. Дмитриев ва И. Беляев сценарийси асосида режиссер И. Беляев, оператор А. Латичевскийлар

Реклама ва эълонлар

13 сентябрь — Пайшанба

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.10 Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили. 19.35 — Ахборот. 19.50 — Фестиваль қатнашчилари билан учрашув. 20.30 — Шеърият мухлисларига. 20.40 — Ахборот. 21.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув ва концерт. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Ёзувчилар — пахтакорларга. 22.50 — **Туманлар тарқалганда** (бадиий фильм). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.20 — МОСКВА. 17.25 — Янгиликлар. 17.35 — Ешлар ижоди. 18.05 — Ҳинд қишлоғи ҳақида очерк. 18.25 — Телефильм. 18.45 — **Футбол:** «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Киев). 19.30 — Ноёб моллар — халққа. 20.00 — Санъат усталари концерти. 20.50 — **Коплон** (фильм-спектакль). 22.00 — Физкультура ва спорт. 22.30 — Фильм-спектаклнинг давоми. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00 — ТОШКЕНТ. V Бутуниттифоқ телефильмлар фестивалига тақдим этилган, ҳужжатли, бадиий ва музикали фильмлар намойиши. 19.55 — Тошкент янгиликлари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13|IX да **Олтин девор,** 14|IX да **Абу Райҳон Беруний.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13|IXда да **Жон қизлар,** 14|IX да **Ўжарлар.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Гернус Мантас (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 21.30). ҲАМЗА номли (11.30, 14.30, 20.30). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00). «СПУТНИК» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00). «ДРУЖБА» (12.00, 15.00, 18.00, 20.40).

Фантомас (1 ва 2 сериялари) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (9.00, 12.00, 18.00, 20.45).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — НАВОИЙ номли (10.00, 14.00, 17.10, 20.20).

Дайди (2 серия) — «КЎКЧА» (11.00, 14.00, 17.20, 20.30).

Привалов миллионлари (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Қизлар қасамёди — «ВОСТОК» (жуфт соатларда). «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Фан-фан Тюльпан — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Изма-из — «СПУТНИК» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Бошсиз чавандоз (2 серия) — «МОСКВА» (10.00, 19.30).

Михай ботир (2 серия) — «ДРУЖБА» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

ЁЗГИ БИНОДА

Қизлар қасамёди — «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли.

Уч мушкетёр — «ХИВА».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

14 СЕНТЯБРДА

КУЗГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

ИВАН АНИСИМОВ раҳбарлигидаги

ЎРГАТИЛГАН АЙИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ

Томошалар кеч соат 7 яримда (шанба кунлари кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари соат 12, 3 ва кеч 7 яримда) **бошланади.**

Олдиндан билет сотиш кассаси ҳар куни кундуз соат 12 дан ишлайди.

Цирк яқинида 1, 4, 25, 52, 54, 74, 19, 41, 49-автобусларнинг сўнгги бекати жойлашган.

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

17 сентябрь кеч соат 8 да

ЕШ ХОНАНДАЛАР

Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ ва **Хадичахон АЛИМАРДОНОВА** иштирокида

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

Билетлар сотилмоқда.

ВЕТЕРАНЛАР САФАРИ

Областимиз қишлоқ хўжалиги ветеранларидан бир группаси Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллигига бағишлаб Закавказье республикалари ва Волгоград шаҳри бўйлаб уюштирилган маҳсус сафардан қайтиб келдилар. Сафарни Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи жамоатчилик институти уюштирган бўлиб, унда республиканинг бошқа областларидан ҳам кўплаб туристлар қатнашдилар.

Тошкент области колхоз ва совхозлари ветеранлари орасида оҳангаронлик Т. Султонов, чинозлик С. Фозилов, Ўрта Чирчиқдан М. Аҳмедов, бўстонлиқлик Ш. Шомансуров каби 27 пахтакор ва соҳибкор бор эди. Ветеранлар тушган поездни барча шаҳарларда очиқ чеҳра билан кутиб олишди. У ерда дўстлик, қардошлик ва бирлик шиори остида учрашувлар ўтказилди.

Ветеранлар хотирасида айниқса Волгоград шаҳри ва унинг Мамаев кўрғони ўчмас из қолдирди. Кекса колхозчилар Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган жангчилар хотирасига гулчамбарлар қўйдилар. Совет солдатининг жасорати ҳақида волгоградликлар сўзлаб берган жонли ҳикояларни тингладилар.

Ветеранлар Закавказье республикалари шаҳарларидан ҳам бой таассуротлар билан қайтдилар. Улкамизнинг гўзал манзараларига мафтун бўлдилар.

Г. ХОРЕВ.

ДЕҲҚОНГА ХИЗМАТ ШУМИ?

Баҳорда она ер бағрига меҳр билан чигит қадаган деҳқон ёз бўйи тер тўкиб, поёнсиз далаларда мўл-кўл «оқ олтин» етиштирди. Эндиликда далаларимизда етиштирилган ҳосилни қисқа вақт ичида йиғиб-териб давлат омборларига топшириш учун ҳамма жойда қизғин тайёргарлик кўриляпти. Механизатор йигит-қизларимиз эса «пўлат от»ларини совутиб, эрта-индин бошланадиган умумхалқ пойгасидан кўз-қулоқ бўлиб туришибди. Пункт ходимлари ҳосилни тўхтовсиз қабул қилиб олиш учун барча зарур чораларни кўриб қўйишди. Хуллас, ҳамма-ҳамма жойда бу йилги баракали улкан хирмон тараддуди авжида.

Хўш, ана шундай масъулиятли дамларда савдо ходимлари пахтакорларга қандай хизмат кўрсатишмоқчи? Улар бу мавсумга қандай ҳозирлик кўришяпти. Ана шу саволга жавоб излаб, Юқори Чирчиқ район матлубот жамиятига қарашли бир қатор савдо магазинлари, умумий овқатланиш корхоналарида бўлиб, белгиланган тадбирларнинг бажарилиши билан танишиб чиқдик.

Тўғри, сиртдан қараганда район матлубот жамияти бундай масъулиятли мавсумга гўё илгаридан пухта тайёргарлик кўриб қўйгандек кўринади. Қишлоқ аҳолисига йиғим-терим даврида намунали хизмат кўрсатишга қаратилган тадбирлар бўйича 7 та кўчма савдо, 7 та сотувчисиз савдо қиладиган ларёклар уюштириш кўзда тутилди холос. Айрим савдо корхоналари хўжа кўрсин учун ремонт қилиниб қўйилади.

Район матлубот жамияти ва унинг қишлоқдаги савдо тармоқларининг раҳбар ходимлари пахта йиғим теримига тайёргарлик фақат ана шундан иборат деб ўйладилар. Оқибатда кўпгина савдо тармоқлари пахта терими мавсумига мутлоқ ҳозирлик кўришмади. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ўз вақтида ремонт қилинмади. Зарур бўлган ускуналар билан жиҳозланиб, тартибга келтирилмади. Магазинларда эса озиқ овқат ва саноат молларининг ассортиментлари етарли эмас. Айрим савдо тармоқларининг санитария ҳолати талабга жавоб бермайди. Бунинг устига прилавка ортида турган ходимлар харидорларни алдаш, уларнинг ҳақига хиёнат қилиш, тарозидан уриб қолиш, чўмичдан орттириб қолиш хаёли билан банд.

Мана бир мисол. Янгибозор сельпосига қарашли бир қатор озиқ-овқат магазинлари, «Марҳабо» гастрономи, гўшт-сут магазини, Ийк сельпосига қарашли 17-озиқ-овқат ва галантерея магазини, «Ўзсельхозтехника» ҳузуридаги 1-умумий овқатланиш корхонасига қарашли 4-ошхона ва пахта пунктидаги 6-ошхоналар шу кунга қадар ремонт қилинмаган. Бунинг устига санитария ҳолати ачинарли аҳволда. Ҳизмат кўрсатаётган ходимлар эса санитария кўригидан ўтишмаган. Текшириш давомида 1-умумий овқатланиш корхонасига қарашли (директори А. Дубровская) 4-ошхонада тайёрланган таомлар ассортименти жуда камлиги, борлари эса жуда кам миқдорда тайёрланганлиги аниқланди. Ваҳоланки, бу ошхонада «Ўзсельхозтехника»да ишлаётган ишчи ва хизматчилар, механизаторлар икки маҳалдан овқатланишлари лозим. Лекин ошхона ходимлари номига овқат тайёрлаб, қолган вақтда ошхона эшигига қулф солиб, қаерлардадир юришади. Хўш, бундай хизмат кўрсатадиган ошхонанинг кимга кераги бор? Ўртоқ С. Иброхимов директор бўлган 2-умумий овқатланиш корхонасига қарашли 6-ошхонада ҳам иш яхши ташкил этилган деб бўлмайди. Янгибозор пахта тайёрлаш пункти ҳузуридаги бу ошхона номига бўлса ҳам бир-икки кун ишлаб сўнгра қулфлоғ турди. Маълум бўлишича, ўша кунлари ошхонага гўшт ва бошқа хом ашё маҳсулотлари келтирилмаган экан. Буни қарангки, ошхона район марказидаги пахта тайёрлаш пунктида, уни хом ашё билан таъминлаб турадиган омбор эса «Политотдел» колхози территориясида. Ана шунинг учун ҳам хом ашё маҳсулотлари ўз вақтида келтирилмайди. Бу эса ошхонанинг нормал ишлашига ёмон таъсир кўрсатяпти.

Ўртоқ А. Дубровская раҳбарлик қилаётган 1-умумий овқатланиш корхонасига қарашли яримфабрикатлар магазини ходимларининг бугунги кўрсатаётган савдо хизматлари қониқарсиз аҳволда. Улар учун савдо қоидасини бузиш гўё бир хўплам сув ичишдек оддий воқеа бўлиб қолган. Тошкент область давлат савдо инспекциясининг бир неча бор огоҳлантиришига қарамай магазин ходимлари Дубровскаяннинг шахсан кўрсатмаси билан маҳсулот устига 10 процент устама нарх қўйиб, сотишни давом эттиришган. Шу йилнинг январь ойидан бошлаб август ойига қадар устама эвазига қишлоқ аҳолисидан ортиқча 1100 сўм олиб қолинган. Бундан ташқари, озиқ-овқат магазинларида харидорларнинг ҳам чўнтагидан, ҳам тарозисидан уриб қолиш каби воқеалар тобора кўпайиб боряпти. Ийк сельпосига қарашли 17-магазин сотувчиси Н. Дадаева харидор кўзини шамғалат қилиб, унинг ҳақидан уриб қолмаса ётиб уйқуси келмайди. Бу олғир ходимга рўпара бўлган харидор ҳам 30—40 тийин пулидан, ҳам олган маҳсулотидан 100—150 грамм ташлаб чиққанини ўзи ҳам билмайди. Мана, узоққа бормайлик: Дадаева бир харидорнинг ўзидан тўрт бутилка ароқ эвазига 32 тийин ортиқча юлиб қолган бўлса, иккинчи харидордан 65 тийин чўтал олди. Магазин мудири Дадаметов харидор ҳақига хиёнат қилишнинг бошқача йўлини танлабди. У сотаётган маҳсулот тарозига тушмайди. Ана шунинг учун у иккинчи сорт маҳсулотни биринчи сортга айлантириб, кўзбўямачилик йўли билан пул орттиряпти. Дадаметов метри 2 сўм 89 тийинлик клеенкани 3 сўм 15 тийиндан сотаётганда давлат савдо инспекцияси ходимлари қўлга туширишди. М. Дадаметов мудирлик қилаётган магазин ходимлари афтидан қишлоқ аҳолисига юксак маданият билан, намунали хизмат кўрсатиш учун эмас, балки қайси харидорнинг ҳақидан, ким қанча уриб қолиш учун мусобақалашаётганга ўхшайди. Бири иккинчи сорт маҳсулотни биринчи сортга ўтказаётган бўлса, иккинчиси ҳам ана шу йўл билан харидорнинг «кўзини» боғлаб пул орттиряпти. Ана шу магазин ходими биринчи сортли сариғ ёғни олий сортга ўтказиб, ҳар бир килограммидан 30 тийиндан, ҳам тарозидан олиб қоляпти. Мана, бир харидорга 700 грамм ўрнига, қўлига 680 грамм тутқазиб, 20 грамм кам берди. Текшириш вақтида сотувчилардан К. Каримов, магазин мудири А. Пак ана шу йўл билан 14 килограмм сариғёғни ортиқча баҳога сотиб, колхозчининг 4 сўм 20 тийинлик ошиқ ҳақини қайириб қолишди.

Афсуски, дилни ғаш қиладиган, киши нафратини қўзғайдиган бундай фактлар район матлубот жамияти ва унинг савдо тармоқларида учраётган ягона ҳодиса эмас. Биз текшириш давомида учраган бошқа камчиликлар ҳақида тўхтаб ўтишни лозим топмадик. Лекин район савдо тармоқларининг бугунги ҳолати, аҳолига кўрсатаётган хизмат маданияти катта ҳиммат билан енг шимариб меҳнат қилаётган пахтакорларимиз талабига жавоб берарли эмас. Шундай экан, ўз-ўзидан «хўш, пахтакорга, унинг ҳиммат ига жавобан хизматимиз шуми?» деган савол туғилади. Район Совети ижроия комитети, район матлубот жамияти раҳбарлари, правление раиси К. Комилова ана шу ҳақли саволга тўғри жавоб берадилар, деган умиддамиз.

А. ТЎЛАГАНХЎЖАЕВ,
Тошкент область давлат савдо инспекциясининг катта инспектори.

А. ШАЙХОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг маҳсус мухбири.

Спорт

ҚИШЛОҚ ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРИ ЮТУҒИ

Чирчиқдаги «Сплав» спорт клубида Совет Иттифоқи биринчилиги учун қишлоқ волейбол командалари ўртасида зона мусобақалари ўтказилди. Бу ерда РСФСР, Арманистон, Тожикистон, Молдавия, Литва, Ўзбекистон эркак волейбол коллективлари бир ҳафта давомида мамлакат биринчилигининг навбатдаги босқичига йўлланма олиш учун курашдилар.

Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган «Пахтакор» волейболчилари тўртта ўйинни ютиб чиқдилар, биргина РСФСР командасидан енгилдилар. Натижада зонада иккинчи ўринни олиб, чемпионат мусобақаларини давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШДИ

Эртага Тошкентда қизиқарли мусобақалар бошланади. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон республикаларининг терма командалари иккинчи марта турнир ўтказадилар. Бундай турнир илк бор 1970 йил ташкил қилинганди. Бу сафар полвонлар фарғонача ва бухороча усулда курашишади. Ўзбекистон терма командалари составига яқинда ўтказилган республика спартакиадасининг ғолиблари киритилган.

Қизиқарли беллашувларни томоша қилувчилар эртага Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғига таклиф қилинади.

11 МЕТРЛИК БЕЛГИДАН

Ўтган сешанба куни олий лигада битта учрашув бўлди. Москва торпедочилари Минск динамочиларини қабул қилиб, асосий вақт ичида 1:1 ҳисобида дуранг ўйнадилар. 11 метрлик зарбаларни муваффақиятли бажарган минскликлар бир очкони қўлга киритишди. Белоруссия футболчилари бу билан ўз ҳисобларидаги очколар сонини 13 тага етказдилар. Торпедочилар бу мавсумда 6 учрашувни дуранг билан якунлаб, қўшимча вақт ичида берилган 11 метрлик зарбалардан сира фойдаланиша олгани йўқ.



ОҚҚЎРҒОН районидаги Во тинцев номли колхозда яқинда болалар боғчаси ишга тушди. Бу болалар муассасаси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Қўлдошев номи билан аталмоқда. Бу ерда ҳозир 150 ўғил-қиз тарбия топмоқда. Суратда: боғчанинг умумий кўриниши. Х. Аввалов фотоси.

ТРАКТОРСОЗЛАР УЧУН

Тошкент трактор заводи территориясида қад кўтарган уч қаватли бино ҳавозалари олинди. Замонавий типдаги кўркам ошхона тракторсозлар учун фойдаланишга топширилди.

Корхонанинг кўп минг кишилик ишчи ва хизматчилари овқатланиш цехидаги катта қулайликлардан мамнун бўлмоқдалар. Бинонинг биринчи қаватида овқатланиш залларидан ташқари гўшт, ун, балиқ цехлари, сабзавотларни қайта ишлаш ва сақлаш цехи мавжуд. Ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи ошхонада беш линия бўлиб, у бир вақтнинг ўзида 500 кишини овқатлантира олади.

Эски ошхона биноси ўрнида чойхона очилмоқда. Бу ерда палов, пирожкилар тайёрланади.

Е.МИХЕЛЬСОН.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасига 1973 йил учун обуна бошланди. Обуна барча алоқа бўлимларида, корхона ва қурилишлар, колхоз-совхозлар ва муассасаларда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Газетанинг уч ойлик обуна баҳоси 1 сўм 32 тийин, олти ойга — 2 сўм 64 тийин, бир йилга 5 сўм 28 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЎЗ ВАҚТИДА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В36495. Редактор ўринбосарлари — В35885, В37916. Масъул секретарь — В34808 пропаганда ва адабиёт. санъат бўлимлари — В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — В33786. Партия турмуши ва ахборот, спорт бўлимлари — В35811. Қишлоқ хўжалиги ва фан мактаб, олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В37045. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Р—03670 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64634.